**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№БД – 5111400 – 3.05
2016 йил “08” 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
______________
2016 йил “25” 08

# ЎҚИШ ВА ЁЗИШ АМАЛИЁТИ

# ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 | – Гуманитар соҳа |
| **Таълим соҳаси:** | 110000 | – Педагогика |
| | 120000 | – Гуманитар фанлар |
| **Таълим йўналишлари:** | 5111400 | – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) |
| | 5120100 | – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси |

**Тошкент – 2016**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| С. Иргашева | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| К. Алимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Я. Абдураимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Н. Эшонкулова | – ЎзДЖТУ, ўқитувчи |

**Бош маслаҳатчи:**

| | |
|---|---|
| Род Болайто | – Буюк Британия, Норич тил ўқитиш институти |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| И.Жўраева | – ЎзМУ, Хорижий филология факультети декани, ф.ф.н., доцент |
| И.Тўхтасинов | – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори, ф.ф.н., доцент |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## Фаннинг долзарблиги

Ўқиш ва ёзиш амалиёти фани талабаларга ўрганилаётган чет тилида ўқиш ва ёзиш маҳоратини ўргатишни назарда тутади. Мазкур фан доирасида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра B1 ва C1 даражага мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари ва CEFR B2-C1 даражаси талабига жавоб берувчи турли матнларни ёзишни ўрганадилар. Шунингдек, 4 курс талабаларига битирув малакавий ишларини ёзиш, илмий ишни бошлаш босқичлари, ёзиш услубларини тўғри қўллаш ва илмий матнни таҳрирлаш ўргатилади. Ушбу фан ўз таркибида уч модулни – “Ўқиш”, “Ёзма нутқ амалиёти” ва “Илмий ёзув” модулларини мужассамлаштирган.

## Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Ўқиш ва ёзиш амалиёти фани мазкур таълим йўналишлари ўқув режасидаги бошқа умумкасбий ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-8 семестрлар давомида ўқитилади. Ушбу фан лингвистик курс ҳисобланади ва тўрт йил давомида уч қисмга: ўқиш модули, ёзма нутқ амалиёти ва илмий ёзув модулига ажратилган ҳолда ўқитилади. Ўқув режанинг хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, тил аспектлари амалиёти, методика, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

## Фаннинг илм-фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ўқиш ва ёзиш амалиёти” фани “Хорижий тил ва адабиёти” (тиллар бўйича), “Филология ва тилларни ўқитиш” (роман-герман филологияси) таълим йўналишларида асосий умумкасбий фан ҳисобланади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюроларида касбий фаолият олиб борадилар.

## Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий ҳужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

**Фан модулининг дастури (module syllabus)**

**(Инглиз тили)**

**Намуна**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ўқув курсининг тўлиқ номи:** | Ўқиш ва Ёзиш амалиёти | | |
| **Курснинг қисқача номи:** | ЎЁ | Код: ЎЁ | |
| **Кафедра:** | Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси | | |
| **Ўқитувчи ҳақида маълумот:** | Ф.И.Ш.<br>Абдураимова Яйра Рустамовнв | E-mail.<br>yayra_usb@mail.ru | |
| **Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги** | 1-8 семестр, 136 ҳафта | | |
| **Ўқув соатлари хажми:** | **жами:** | 808 | |
| | шунингдек: | | |
| | маъруза | | |
| | семинар | | |
| | амалий | 478 | |
| | мустақил таълим | 330 | |
| **Ўқув курсининг статуси** | Умумкасбий фанлар блоки | | |
| **Дастлабки тайёргарлик:** | Курс таълим тизимининг олий таълимгача бўлган босқичида чет тили бўйича ўзлаштирилган билимларга асосланади. | | |

**Фаннинг предмети ва мазмуни:** – Мазкур фан лингвистик курс ҳисобланади ва тўрт йил давомида уч қисмга: ўқиш модули, ёзма нутқ амалиёти ва илмий ёзув модулига ажратилган ҳолда ўқитилади.

**Фанни ўқитишдан мақсад** –Мазкур **фаннинг мақсади** талабаларнингB2-C1 даража талабига жавоб берувчи матнларни ўқиб, тушунишлари ва турли мавзуларга оид матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўлишлари ва эгалланган ўқиш ва ёзиш кўникмаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир.

**Фанни вазифаси** - Фаннинг **асосий вазифаси** умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўқиш ва ёзиш кўникмаларини С1 даражага етказиш, шунингдек, илмий тадқиқот иши ёзишнинг бошланғич малакасини шакллантириш ва такомиллаштиришдир.

Мазкур дастур бўйича таълим олган талаба:

- ўрганилаётган асосий чет тилини Умум Европа стандартларига кўра С1 даражада ўзлаштириши;
- ўрганилаётган чет тилида ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаши;
- тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари билан ишлаш усулларини ўзлаштириши;
- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни эгаллаши;
- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда ёзма равишда аниқ ва мантиқий баён этиши;
- битирув малакавий ишини ёзиш, илмий ишни олиб бориш босқичлари, ёзиш услубларини тўғри қўллаш ва илмий матнни таҳрирлаш борасида етарли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим.

**Курснинг тематик таркиби ва мазмуни**

| **Т/р** | **Мавзулар мазмуни Ўқиш** | **Мавзулар мазмуни Ёзма нутқ** | **Амалий** | **Мустақил иш** |
|---|---|---|---|---|
| | | **1-семестр** | | |
| 1. | Курс силлабуси ва баҳолаш мезони | **1. Курсга кириш ва баҳолаш мезонлари**<br>Силлабус ва баҳолаш мезонлари | 4 | 2 |
| 3. | **Одамлар ва уларнинг шахсиятлари** | **2. Маъноли гапларни тузиш** | 4 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Мунажжимлар тақвими | **техникаси**<br>Шахсий деталлар билан маълумотнома тўлдириш | | |
| | Қисқа матбуот мақолалари (персонажлари) билан ишлаш | Бош ҳарф билан ёзиш ва тиниш белгиларини қўйиш қоидалари | 4 | 2 |
| 5. | Қисқа ҳикоялар (стереотиплар) | Содда эслатмалар ва мактублар ёзиш | 4 | 4 |
| 6. | **Миллий ўхшашликлар: Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар**<br>Информацион буклетлар | Гап тузиш структураси билан ишлаш | 4 | 2 |
| 7. | Брошюралар | Матндаги қисмлар ва бўрттирма иборалар (жумлалар) билан ишлаш | 4 | 2 |
| | Сайёҳлик йўриқномалари | **3. Табрикнома ёзиш**<br>Табрикномалар ёзиш | 4 | 4 |
| 9. | Энциклопедия қисмлари | Таклифномалар ёзиш | 4 | 4 |
| 10. | Энциклопедия қисмлари | Гап турлари | 4 | 2 |
| 11. | **Озиқ овқат. Тўғри овқатланиш**<br>Менюлар | **4. Контекстда функционал ёзиш: Озиқ овқат. Тўғри овқатланиш**<br>Харид рўйхати | 4 | 4 |
| | Таомлар рецепти | Овқатлар рецептини ёзиш | 4 | 4 |
| 12. | Журналлардаги қисқа мақолалар билан ишлаш | Реклама ёзиш | 4 | 2 |
| 13. | Ўқишда стратегиялар ва кичик кўникмаларни ишлатиш техникалари | **5. Контекстда функционал ёзиш: Шахсий хатлар**<br>Ўзи ҳақида ёзиш | 4 | 4 |
| 14. | **Саломатлик сирлари**<br>Информацион буклетлар, брошюралар | Ўзи хақида ёзиш | 4 | 2 |
| 15 | Инструкция билан ишлаш | Кундалик ёзиш | 4 | 4 |
| 16 | Журнал мақолалари билан ишлаш | Норасмий электрон хат ёзиш | 4 | 4 |
| 17 | Саломатлик сирлари мавзусига доир матнлар | Норасмий электрон хат ёзиш | 4 | 4 |
| 18 | **Ўқиш стратегияларини ривожлантириш**<br>Ўқишда текст билан ишлаш усуллари: синчиклаб ўқиш кўз югуртириш усуллари | Ўзи ҳақида ёзиш | 4 | 4 |
| 19 | Керакли маълумотлар билан ишлаш ва кўз югуртириш усулларини ошириш | Ўзи ҳақида ёзиш | 4 | 2 |
| **1-семестр бўйича жами 38** | | 38 | **76** | **58** |
| **2-семестр** | | | | |
| 1 | **Оилавий қадриятлар**<br>Асар ўқиш: Ғурур ва андиша (Pride and Prejudice) | **6. Ўзаро текшириш ва баҳолаш**<br>Хато текшириш усуллари | 4 | 4 |
| 2 | Асар ўқиш: Ғурур ва андиша (Pride and Prejudice) | Ўзаро баҳолаш | 4 | 4 |
| 3 | Асар ўқиш: Ғурур ва андиша (Pride and Prejudice) | Такрорлаш: Ўзаро текшириш ва баҳолаш | 4 | 2 |
| 4 | Асар асосида фикр алмашиш муҳокамаси | **7. Маъноли параграфларни ёзиш техникаси**<br>Параграф ёзиш | 6 | 4 |
| 5 | Таълим тизими.<br>Ўқув грантлари бўйича эълонлар билан ишлаш | Параграф ёзиш | 4 | 2 |
| 6 | Таълим журналлари мақолалари билан ишлаш | **8. Параграфларни ташкил этиш ва тасвирлаш**<br>Тасвирий параграф ёзиш | 4 | 4 |
| 7 | Интернет матнлари | Тасвирий параграф ёзиш | 4 | 2 |
| 8 | Мавзуга доир кичик матнлар билан ишлаш | Қисқа таржимаи ҳол ёзиш | 4 | 4 |
| 9 | Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти<br>Сайёҳлик йўриқномалари ва | **9. Параграфларни ташкил этиш: таққослаш ва фарқлаш.** | 4 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | брошюралари | Параграфни таққослаш ва фарқлаш 1 | | |
| 10 | Мавзуга оид журнал мақолалари билан ишлаш | Параграфни таққослаш ва фарқлаш 2 | 4 | 4 |
| 11 | Информацион буклетлар | Параграфни таққослаш ва фарқлаш 3<br>Ўзаро бахолаш | 4 | 2 |
| 13 | Шеърият | **10. Параграфларни ташкиллаштириш: ҳикоя ёзиш**<br>Ҳикоя ёзиш. 1 қоралама | 6 | 2 |
| 14 | **Спорт ва бўш вақтни самарали ўтказиш**<br>Энциклопедия қисмлари билан ишлаш | Ҳикоя ёзиш. 2 қоралама | 4 | 4 |
| 15 | Интернет матнлари | Такрорлаш | 4 | 2 |
| 16 | Информацион буклетлар (кунни тўғри тақсимлаш) | Ҳикоя ёзиш ва текшириш | 4 | 4 |
| 17 | Мавзуга оид журнал матнлари билан ишлаш | Шеър ёзиш | 4 | 4 |
| 18 | Технология ва мулоқот | **Виртуал контекст ёзиш техникаси**<br>Электрон хат ёзиш | 4 | 4 |
| 19 | Инструкциялар билан ишлаш | Онлайн форум муҳокамасида қатнашиш | 4 | 4 |
| **2-семестр бўйича жами 38** | | **38** | **76** | **58** |
| **Умумий** | | **76** | **152** | **116** |

| **Т/р** | **Мавзулар мазмуни<br>Ўқиш** | **Мавзулар мазмуни<br>Ёзма нутқ** | **Амалий** | **Мустақил иш** |
|---|---|---|---|---|
| **3-семестр** | | | | |
| 1. | Курс силлабуси ва баҳолаш мезони | | 2 | |
| 2. | Мунажжимлар тақвими | Фактлар асосида ёзиш: баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.) | 2 | 2 |
| 3. | Қисқа матбуот мақолалари (персонажлари) билан ишлаш | Фактлар асосида ёзиш: баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.) | 2 | 2 |
| 4. | Қисқа ҳикоялар (стереотиплар) | | 2 | 2 |
| 5 | Информацион буклетлар | баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.) | 2 | 2 |
| 6 | Брошюралар | турли мақсадлардаги хатлар | 2 | |
| 7 | Сайёҳлик йўриқномалари | турли мақсадлардаги хатлар | 2 | 2 |
| 8 | Энциклопедия қисмлари | турли мақсадлардаги хатлар | 2 | |
| 9 | Энциклопедия қисмлари | расмий ва норасмий хатлар | 2 | 2 |
| 10 | Менюлар | расмий ва норасмий хатлар | 2 | |
| 11 | Таомлар рецепти | ёзма танқидий, рад жавоби (масалан, бизнесдаги ҳамкорига) | 2 | 2 |
| 12 | Журналлардаги қисқа мақолалар билан ишлаш | ёзма танқидий, рад жавоби (масалан, бизнесдаги ҳамкорига) | 2 | 2 |
| 13 | Ўқишда стратегиялар ва кичик кўникмаларни ишлатиш техникалари | Норасмий электрон хатлар | 2 | 2 |
| 14 | Информацион буклетлар, брошюралар | Норасмий электрон хатлар | 2 | 2 |
| 15 | Инструкция билан ишлаш | баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.) | 2 | 2 |
| 16 | Журнал мақолалари билан ишлаш | баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, | 2 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | таълим жараёнига оид муаммолар ва б.) | | |
| 17 | Саломатлик сирлари мавзусига доир матнлар | расмий хат (тушунтириш хати ёки газета муҳарририга хат) | 2 | 2 |
| 18 | Ўқишда текст билан ишлаш усуллари: синчиклаб ўқиш кўз югуртириш усуллари | тасвирий иншо тури тақдимоти | 2 | |
| 19 | Керакли маълумотлар билан ишлаш ва кўз югуртириб ўқиш усуллари | тасвирий иншонинг биринчи қораламаси | 2 | 2 |
| | Якуний назорат (ЯН) | | | |
| **3-семестр бўйича жами** | | **38** | **38** | **28** |
| **4-семестр** | | | | |
| 1 | Асар ўқиш: | ҳикоя тарзидаги иншо тури тақдимоти | 4 | 2 |
| 2 | Асар асосида фикр алмашиш муҳокамаси | ҳикоя тарзидаги иншонинг биринчи қораламаси | 4 | |
| 3 | Таълим тизими. Ўқув грантлари бўйича эълонлар билан ишлаш | ҳикоя тарзидаги иншонинг иккинчи қораламаси | 4 | 2 |
| 4 | Таълим тизими Ўқув грантлари бўйича эълонлар билан ишлаш | ҳикоя тарзидаги иншонинг якуний қораламаси | 4 | 2 |
| 5 | Таълим журналлари мақолалари билан ишлаш | Қиёсий иншо тури тақдимоти | 4 | 2 |
| 6 | Таълим журналлари мақолалари билан ишлаш | Қиёсий иншонинг биринчи қораламаси | 4 | 2 |
| 7 | Интернет матнлари | Қиёсий иншонинг иккинчи қораламаси | 4 | 2 |
| 8 | Мавзуга доир кичик матнлар билан ишлаш | Қиёсий иншонинг якуний қораламаси | 4 | |
| 9 | Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти Сайёҳлик йўриқномалари ва брошюралари | таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш) иншо тури тақдимоти | 4 | 2 |
| 10 | Мавзуга оид журнал мақолалари билан ишлаш | таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш) иншонинг биринчи қораламаси | 4 | 2 |
| 11 | Информацион буклетлар | таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш) иншонинг биринчи қораламаси | 4 | 2 |
| 13 | Шеърият | таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш) иншонинг биринчи қораламаси | 4 | |
| 14 | Энциклопедия қисмлари билан ишлаш | китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи | 4 | 2 |
| 15 | Интернет матнлари | китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи | 4 | |
| 16 | Информацион буклетлар (кунни тўғри тақсимлаш) | китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи | 4 | 2 |
| 17 | Мавзуга оид журнал матнлари билан ишлаш | университет газетаси учун мақола | 4 | 2 |
| 18 | Технология ва мулоқот | университет газетаси учун мақола | 4 | 2 |
| 19 | Инструкциялар билан ишлаш | университет газетаси учун мақола | 4 | 2 |
| **4-семестр бўйича жами 38** | | **38** | 38 | **28** |
| **Умумий** | | | 76 | **56** |

| **Т/р** | **Мавзулар мазмуни Ўқиш** | **Мавзулар мазмуни Ёзма нутқ** | **Амалий** | **Мустақил иш** |
|---|---|---|---|---|
| **5-семестр** | | | | |
| 1. | Матн турлари (имкон даражасида аутентик, оригинал матнлар) | Хатлар ва расмий ҳужжатлар: расмий хатлар | 4 | 4 |
| 2. | Газета ва журналлардаги мақолалар | ариза ёзиш | 4 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | (янгиликлар, маърузалар) | | | |
| 3. | Газета ва журналлардаги мақолалар (катта ҳажмдаги мақолалар); | ариза ёзиш ; | 4 | 4 |
| 4. | Газета ва журналлардаги мақолалар (халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар); | илова хати; | 4 | 2 |
| 5 | Таҳлил баён этилган қисқа маълумотлар; | илова хати; | 4 | 4 |
| 6 | Шеърлар | тавсиянома | 4 | 2 |
| 7 | Асарлардан келтирилган парчалар | тушунтириш хати ва б. | 4 | 4 |
| 8 | Асарлардан келтирилган парчалар | тушунтириш хати ва б. | 4 | 2 |
| 9 | Интернет матнлари (блоглар); | Фактларга асосланган ёзма нутқ: ҳисоботлар (учрашув ҳисоботлари,); | 4 | 4 |
| 10 | Интернет матнлари (вебсайтлар); | ҳисоботлар (учрашув ҳисоботлари); | 4 | 4 |
| 11 | Қўлланмалар, инструкциялар (техник восита ва асбоблар учун) | ташриф ҳисоботлари | 4 | 2 |
| 12 | Энциклопедик мақолалар | ташриф ҳисоботлари | 4 | 2 |
| 13 | Энциклопедик мақолалар | тадқиқот ҳисоботлари | 4 | 2 |
| 14 | Професионал мавзулардаги мақолалар (чет тили ўқитиш, ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидаги янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар); | тадқиқот ҳисоботлари; | 4 | 4 |
| 15 | Професионал мавзулардаги мақолалар (чет тили ўқитиш, ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидаги янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар); | яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобот | 4 | 4 |
| 16 | Маърузаларда илгари сурилган ғояга нисбатан билдирилган фикрлар ва муҳокама қилинган ҳисоботлар | яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобо | 4 | 4 |
| 17 | Маърузаларда илгари сурилган ғояга нисбатан билдирилган фикрлар ва муҳокама қилинган ҳисоботлар | Иншолар: фикр билдирувчи иншо; биринчи қоралама | 4 | 4 |
| 18 | Мавзулар юзасидан такрорлаш | Иншолар: фикр билдирувчи иншо иккинчи қоралама | 4 | 2 |
| 19 | Ўқиш кўникмасини баҳоловчи тестлар | Иншолар: фикр билдирувчи иншо охирги қоралама | 4 | 4 |
| **1-семестр бўйича жами 38** | | **38** | **76** | **60** |

**6-семестр**

| | Мавзу | Амалий (семинар) | Мустақил иш |
|---|---|---|---|
| 1 | Жадваллар турини тасвирлаш | 4 | 2 |
| 2 | Жадваллар турини тасвирлаш | 4 | 4 |
| 3 | Иншолар: баҳс- мунозарали иншо тури (фикрларни жамлаш) | 4 | 4 |
| 4 | Иншолар: баҳс- мунозарали иншо тури (1 дастлабки ишлаш) | 4 | 4 |
| 5 | Иншолар: баҳс- мунозарали иншо тури (маънога фикр билдириш) | 4 | 2 |
| 6 | Иншолар: баҳс- мунозарали иншо тури (ишлатилган услубга – иншо тилига фикр билдириш) | 4 | 4 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7 | Макола ёзиш: : (фикрларни жамлаш) | 4 | 4 |
| 8 | Макола ёзиш:  (дастлабки жараён) | 4 | 2 |
| 9 | Макола ёзиш (маънога фикр билдириш) | 6 | 4 |
| 10 | Макола ёзиш: (ишлатилган услубга – иншо тилига фикр билдириш | 4 | 4 |
| 11 | Фактларга асосланган ёзма нутқ: (тадқиқот хисоботлари) | 4 | 2 |
| 12 | Фактларга асосланган ёзма нутқ: (яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий хисобот) | 6 | 4 |
| 13 | Фактларга асосланган ёзма нутқ: (ҳисоботлар) | 4 | 4 |
| 14 | Фактларга асосланган ёзма нутқ: (учрашув ва ташриф ҳисоботлари) | 4 | 4 |
| 15 | Тадқиқот натижаларини  ҳисобот шаклида ёзиш | 4 | 4 |
| 16 | Ёзма нутқни ривожлантириш жараёнини қайта кўриб чиқиш | 6 | 2 |
| 17 | Якуний тақриз ёзиш | 6 | 4 |
| **2-семестр бўйича жами** | | **76** | **58** |
| **Умумий** | | **152** | **118** |
| | | | |
| **7 ва 8-семестр** | | | |
| 1 | Илмий мавзу танлаш | 8 | 4 |
| 2 | Танланган мавзу асосида режа тузиш | 10 | 4 |
| 3 | Илмий ишнингмақсадини белгилаб олиш | 8 | 4 |
| 4 | Илмий ишнинг кириш қисмини ёзиш | 8 | 4 |
| 5 | Илмий мавзу доирасида адабиётлар таҳлили | 10 | 4 |
| 6 | Плагиатга йўл қўймаслик усуллари,  кўчирмакашликнинг олдини олиш | 8 | 4 |
| 7 | Тадқиқот устида иш олиб бориш | 10 | 4 |
| 8 | Тадқиқот натижаларини ёзиш | 10 | 4 |
| 9 | Илмий хулосалар ёзиш | 10 | 4 |
| 10 | Дастлабки  ҳимоя | 10 | 4 |
| 11 | Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича 3 –курс дастурини такрорлаш | 8 | |
| | | | |
| **7 ва 8 -семестр бўйича жами** | | | |
| **Умумий** | | **100** | **40** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Таълим бериш ва ўқитиш услуби:** | Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар) | | |
| **Мустақил ишлар:** | Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з. | | |
| **Маслаҳатлар ва топшириқ-ларни топшириш вақти** | Кунлар | Вақти | Ауд. |
| **1.** | | | |
| **2.** | | | |
| **3.** | | | |

**Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:**

**ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилади**

| | |
|---|---|
| **Баҳолаш усуллари** | Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з. |
| **Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш** | **Назорат шакллари**<br>Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари  ёки бошқа  кўринишда ўтказилиши мумкин. |

**Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони**

**1- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **1.Ўқиш модули** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова), ўқиш ва ёзиш кўникмалар бўйича топшириқларни бажарганлигини исботловчи портфолионинг мавжудлиги- 10% | |
| | -ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели/порфолио ва уларга ёзилган хулосалар (нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдими ёки ёқмадими, нима учун -10%<br>-севимли муаллиф автобиографияси- 10% | шахсий резюме -10% |
| Оралиқ назорат 30% | турли матнларга асосланган ўқиш тести (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар)-15% | норасмий хат-15% |
| Якуний назорат 30% | 1 ва 2 модуллар асосида тест(ўқиш кўникмасининг шаклланганлигини назорат қилиш бўйича тест ва ёзма топшириқ (баён, иншо) | |

**2- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **1.Ўқиш модули** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова), ўқиш ва ёзиш кўникмалар бўйича топшириқларни бажарганлигини исботловчи портфолионинг мавжудлиги- 10% | |
| | ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели/порфолио (тахминий саволлар: нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдими ёки ёқмадими, нима учун -15% | -ҳикоя ёки эълоннинг қисқача мазмуни (Summary)-5%<br>-ёзма ишлардаги хатолар тахлили (ёзма ишимда синоним антонимлардан кенг фойдаланаманми, қандай услубий ёки грамматик хатоларга йўл қўймоқдаман; ўз ўзини баҳолаш шакли илова қилган холда) -10% |
| Оралиқ назорат 30% | турли матнларга асосланган ўқиш тести (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар) - 15% | кичикроқ матндаги иншо- 15% |
| Якуний назорат 30% | 1 ва 2 модуллар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест | |

**3- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **1.Ўқиш модули** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова), ўқиш ва ёзиш кўникмалар бўйича топшириқларни бажарганлигини исботловчи портфолионинг мавжудлиги- 10% | |
| | -вебсайт ёки блогда ўқилган матнга ёзилган тақриз-10%<br>-мақолага ёзилган тақриз-10% | расмий хат(тушунтириш хати ёки газета муҳарририга хат )- 10% |
| Оралиқ назорат 30% | турли матнларга асосланган ўқиш тести (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар) - 15% | фикр билдирувчи иншо -15% |
| Якуний назорат 30% | 1 ва 2 модуллар асосида тест(ўқиш кўникмасининг шаклланганлигини назорат қилиш бўйича тест ва ёзма топшириқ (баён, иншо) | |

**4- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **1.Ўқиш модули** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| | Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова), ўқиш ва ёзиш кўникмалар бўйича топшириқларни бажарганлигини исботловчи портфолионинг мавжудлиги- 10% | |
| Жорий назорат 40% | ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели/порфолио (тахминий саволлар: нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдими ёки ёқмадими, нима учун-15% | -фильм ёки китобга ёзилган тақриз -5%<br>-ҳикоя ёзиш-10% |
| Оралиқ назорат 30% | турли матнларга асосланган ўқиш тести (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар) - 15% | расмий хат(тушунтириш хати ёки газета муҳарририга хат )-- 15% |
| Якуний назорат 30% | 1 ва 2 модуллар асосида тест(ўқиш кўникмасининг шаклланганлигини назорат қилиш бўйича тест ва иншо) | |

**5- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **1.Ўқиш модули** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|---|
| | Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова) 10% | |
| Жорий назорат 40% | тақдимот ва келгусида ўқиш малакасини ривожлантириши бўйича ишлаб чиқилган режа-10% | иншонинг якуний варианти - 15% |
| Оралиқ назорат 30% | тақриз (бадиий асар (роман)нинг ижтимоий, маданий ва тарихий негизини таҳлил қилиш ва ёритиб бериш)- 15% | ижтимоий муаммони ўрганишга асосланган тадқиқот ҳисоботи- 15% |
| Якуний назорат 30% | 1 ва 2 модуллар асосида тест(ўқиш кўникмасининг шаклланганлигини назорат қилиш бўйича тест ва ёзма топшириқ (баён, иншо) | |

**6- семестр**

| **Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти** | **2. Ёзма нутқ амалиёти** |
|---|---|
| Жорий назорат 40% | маълумотларга асосланган танқидий баён воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳисобот - 20% |
| | синфда берилган газета мақоласини танқидий таҳлил қилиш -20% |
| Оралиқ назорат 30% | илова хати-15%<br>тавсиянома - 15% |
| Якуний назорат 30% | иншо, жуфтликда берилган ўзаро ёзма тақриз билан - 30% |

| |
|---|
| **Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:** |
| **Глоссарийлар:** |
| **Ахборот ресурс база:** |

# АСОСИЙ ҚИСМ

## Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни

### 1-модул. Ўқиш модули

Ўқиш модули талабаларга 1-5 семестрлар давомида ўқитилади. Ушбу фан талабаларгаЕвропа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра В1дан В2+ бўлган даражага мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари ва таҳлил қила олишларига имконият яратади.

Ўқиш модули мазмунини:

- тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар ) билан ишлаш усуллари;
- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш);

- бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни;
- ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш;
- ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш;
- айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган ҳолда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиш;
- ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олиш;
- матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлаш;
- маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва тақризларни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиш;
- ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этиш;
- берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб, мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиш каби етакчи мавзулар ташкил этади.

## Модул 2. Ёзма нутқ амалиёти

Ёзма нутқ амалиёти модули 1-6 семестрлар давомида ўқитилади. Биринчи курс якунида талабалар CEFR талаблрига кўра ёзиш кўникмаларини B1(+) даражада эгалласалар, 3-курс якунига келиб CEFR B2-C1 даражаси талабига жавоб берувчи турли матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўладилар.

Ёзма нутқ амалиёти модули мазмуни:

- турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш ва ушбу матнларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш кўникмасини босқичма-босқич ривожлантириб бориш;
- гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш;
- жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш;
- иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантиқий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш;
- ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш;
- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантиқий баён этиш;
- қиёсий, таҳлилий ва танқидий турдаги баёнларни режалаштира олиш ва уларда ўз фикрларини далиларга асосланган тарзда ёзиш;
- умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларни, учинчи босқичда эса, касбга доир илмий мақолаларни қисқачи мазмунини ёзиш;
- китоб ёки фильмларнинг мазмунини танқидий фикрларга асосланган ҳолда ёзма баён эта олиши ва уларга қисқа тақриз ёза олиш;
- ёзма нутқдаги турли услублардан маҳорат билан фойдаланиш;
- ўз ёзма нутқини таҳрир қилишва текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш;

- режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш каби мавзулардан иборат бўлади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:
- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

**Ўқиш модули бўйича тавсия этиладиган мавзулар мазмуни**
**1 курс давомида**
Матн турлари (ўқиш учун соддароқ оригинал матнлар)
- таомномалар, рецептлар;
- жадваллар;
- кичик ҳикоялар;
- гороскоплар;
- шахсий хатлар;
- кундаликлар;
- информацион буклетлар, брошюралар (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар ҳақида), сайёҳлик йўриқномалари;
- журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- янгиликлар баёни;
- таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- шеърлар;
- интернет матнлари (блоглар);
- эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари ҳақида);
- қўлланмалар/инструкциялар  (техник воситалар,асбоблар учун );
- қомусий мақолалар;

Ўқиш мақсадлари
- экстенсив ўқиш (бадиий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш)

Ўқиш стратегиялари
- асосий фикрларни англаш\билиш учун ўқиш;
- ғояни билиш учун ўқиш;
- махсус маълумотни олиш учун ўқиш;
- сўзларнинг контекстдаги маъносини топиш;
- диққат билан ўқиш;
- кўз югуртириб ўқиш;
- тез ўқиш

Ўқиш жараёнида учрайдиган  муаммоларни аниқлаш ва уларни тузатиб бориш
- паст овозда ёки овоз чиқариб ўқиш;
- ҳижжалаб ўқиш;
- такроран ўқиш;
- юзаки ўқиш;
- луғатларга тез –тез мурожаат қилиш

**2 курс давомида**

Ўқиш модули бўйича кейинги курсда ўтиладиган тахминий мавзулар биринчи курс мавзулар мазмунига ўхшаш бўлсада, бу курсларда асосий эътибор ушбу мавзуларнинг чуқур ва батафсил ўрганилишига қаратилади.

Матн турлари (оригинал матнлар)

- таомномалар, рецептлар;
- жадваллар, шакллар;
- кичик ҳикоялар;
- гороскоплар;
- шахсий хатлар;
- кундаликлар;
- информацион буклетлар, брошюралар, (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар.), сайёҳлик йўриқномалари;
- журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- янгиликлар баёни;
- таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- шеърлар;
- интернет матнлари (блоглар);
- эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари ҳақида);
- йўриқномалар (техник воситалар,асбоблар учун );
- энциклопедик мақолалар.

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадиий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш)

Ўқиш стратегиялари

- асосий фикрларни англаш\билиш учун ўқиш;
- ғояни билиш учун ўқиш;
- махсус маълумотни олиш учун ўқиш;
- сўзларнинг контекстдаги маъносини топиш;
- диққат билан ўқиш;
- кўз югуртириб ўқиш;
- тез ўқиш.

Ўқиш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва уларни тузатиб бориш

- паст овозда ёки овоз чиқариб ўқиш;
- ҳижжалаб ўқиш;
- такроран ўқиш;
- юзаки ўқиш;
- луғатларга мурожаат қилиш.

**3 курс давомида**

Матн турлари (имкон даражасида аутентик, оригинал матнлар, касбга йўналтирилган материаллар)

- газета ва журналлардаги мақолалар (янгиликлар, маърузалар, катта ҳажмдаги мақолалар, халқаро илмий журналларда ўрганилаётган чет тилида чоп этилган мақолалар);
- таҳлил баён этилган қисқа маълумотлар;
- шеърлар;
- асарлардан келтирилган парчалар;
- интернет матнлари (блоглар, вебсайтлар);
- қўлланмалар, инструкциялар (техник восита ва асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар;

- професcионал мавзулардаги мақолалар (чет тили ўқитиш, ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидаги янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар);
- маърузаларда келтириб ўтилган ғояга нисбатан билдирилган фикрлар ва муҳокама қилинган ҳисоботлар

Ўқиш мақсадлари
- экстенсив ўқиш (бадиий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш, тушуниш учун ўқиш)
- тайёрланган дарс режаларининг муайян контекстга мувофиқлигини баҳолаш;
- маълум контекст учун дарс режасини тузиш

Ўқиш стратегиялари
- хулоса ясаш, "қаторлар ораси" маънони англаш
- тез ўқиш
- хулоса қилиш ва ёзма баён этиш
- муаллиф фикрини ёқлаш ёки инкор қилиш ва уни асослаш;
- таҳлил қилиш;
- синтез қилиш;
- ўқиш сифатини аниқлаш

Ўқитиш методикаси
- амалий вазифалар;
- долзарб мақолалар муҳокамаси;
- турли жанрдаги матнларни таҳлил қилиш;
- интернет матнлари билан ишлаш;
- ўқиш кўникмасини баҳоловчи тестлар;
- мустақил ўқиш

## Ёзиш модули бўйича тавсия этиладиган мавзулар мазмуни

**1 курс давомида**
- табрикномалар ва таклифномалар;
- шахсий маълумотномалар, анкета саволлари;
- содда хатлар, эслатмалар, қайдлар;
- воқеа-ҳодиса, одамлар ва предметлар тасвирига бағишланган хатлар, матнлар;
- e-mail, интернет форумларига хатлар;
- резюме ва таржимаи ҳол;
- кичик ҳикоялар;
- таом  рецептлари;
- шахсий кундалик

Ёзма нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари
- ёзма ишни режалаштириш (кластер усулида, ақлий ҳужум ва ҳ.);
- ёзма ишнинг мақсади ва кимга йўналтирилганлигини аниқлаш ва шунга қараб тегишли услубни танлаш маҳорати.

Грамматик тамойиллар
- гап тузиш (гапда сўз тартиби);
- гапда эга ва кесимнинг ўрни, мослашуви;
- гап турлари (оддий,  қўшма гаплар);
- боғловчилар ва кириш сўзлари;
- сўз танлаш (расмий ва норасмий услубдаги сўзлар ва ҳ.)
- пунктуация

Қисқа иншо (параграф) ёзиш босқичлари
- мос сарлавҳани танлаш;
- кириш қисмини ёзиш;

- иншонинг асосий ғоясини ифодалаш;
- далил ва исботларни баён этиш;
- ёзма ишда плагиатга (кўчирмакашликка) йўл қўймаслик

**2 курс давомида**
Фактлар асосида ёзиш:
- баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.)

Иншолар:
- тасвирий;
- ҳикоя тарзидаги;
- қиёсий;
- таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш);
- китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи;
- университет газетаси учун мақола

Хатлар ва бошка мулоқот ҳужжатлари:
- турли мақсадлардаги хатлар;
- расмий ва норасмий хатлар;
- ёзма танқидий, рад жавоби (масалан, бизнесдаги ҳамкорига)
- норасмийэлектрон хатлар

**3 курс давомида**
Фактларга асосланган ёзма нутқ:
- ҳисоботлар (учрашувҳисоботлари, ташрифҳисоботлари);
- тадқиқот ҳисоботлари;
- яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобот

Иншолар:
- фикр билдирувчи иншо;
- “қарши ёки қарши эмаслик фикрини баён этувчи” иншо
- баҳс мунозарали иншо тури
- танқидий баёнлар 2-курсдагига қараганда батафсил ва кенг бўлиши лозим;
- воқеа-ҳодисалар шарҳи;
- мақола шарҳи

Хатлар ва расмий ҳужжатлар:
- расмий хатлар;
- ариза;
- илова хати;
- тавсиянома;
- тушунтириш хати ва б.

Ўқиш ва ўқитишга ёндашув
- топшириқларга асосланган амалий иш;
- турли матнлар таҳлили ( газета, журнал мақолалари)
- матнларни ўрганилаётган чет тили ва она тилида параллел, қиёслаганҳолда таҳлил қилиш;
- дарсдан ташқари ёзма вазифалар;

Ёзма нутқ жараёни:
- ёзма нутқ учун тайёргарлик машқлари;
- дастлабки (хомаки);
- ўзаро қайта кўриб чиқиш;
- ўз-ўзини баҳолаш

**4 курс давомида**

Илмий иш ёзиш

Муваффақиятли илмий иш таҳлили
- илмийишнингмақсади;
- кириш;
- адабиётлар таҳлили;
- плагиат, кўчирмакашлик
- тадқиқот натижалари;
- илмий хулосалар

Якуний давлат аттестациясига тайёргарлик
- ёзма нутқамалиёти модули бўйича 3 курсдастурини такрорлаш;
- якуний имтиҳон репетицияси

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

**Курс ишини ташкил этиш**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

**Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Фан модуллари кесимида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш мақсадида кафедра мутахассислари томонидан услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилади. Уларда талабанинг мустақил ўқиб ўрганишини таъминловчи вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намойиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

**Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари**

- Таомномалар, рецептлар;
- Жадваллар;
- Кичик ҳикоялар;
- Гороскоплар;
- Шахсий хатлар;
- Кундаликлар;
- Информацион буклетлар, брошюралар (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар ҳақида), сайёҳлик йўриқномалари;
- Журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- Янгиликлар баёни;
- Таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- Шеърлар;
- Интернет матнлари (блоглар);
- Эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари ҳақида);
- Қўлланмалар/инструкциялар (техник восита, асбоблар учун );
- Қомусий мақолалар;
- Табрикномалар ва таклифномалар;
- Шахсий маълумотномалар, анкета саволлари;
- Содда хатлар, эслатмалар, қайдлар;
- Воқеа-ҳодиса, одамлар ва предметлар тасвирига бағишланган хатлар, матнлар;
- e-mail, интернет форумларига хатлар;
- Резюме ва таржимаи ҳол;

- Битирув малакавий иши; - Илмий мақола.

## Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (соддалаштирилмаган) аутентик матнлар, шу жумладан, лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан холда танланган газета ва журнал мақолалари, оригинал хат, брошюра, эълон кабилар билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ушбу аутентик материалларни қидиришга, улар асосида вазифалар ишлаб чиқишга талабаларни хам жалб этиш мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, жоиз бўлса унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундаши лозим. Масалан, матнни ўқиб саволларга жавоб бериш, ёки матндан келиб чикиб берилган жадвални тўлдириш, берилган гапларнинг тўғри/нотўғри эканлигини баҳолаш, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидандир. Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис- туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадиий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадиий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин. Бадиий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг самарали ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади. Курс модуллари давомида талабалар якка ҳолда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда ишлайдилар. Ҳар бир ёзма иш 4 та босқичда ташкил этилади: ёзма иш режасини тузиш, дастлабки (хомаки) вариантини ёзиш ва ўқитувчидан ёки гуруҳдошидан тақриз олиш, таҳрир қилиш ва хатолар устида ишлаш, қайта ёзиш. Мулоқот учун ёзишга катта аҳамият берилган ҳолда дарслар қуйидаги вазифаларга асосланиши мумкин:

- турли интерактив методларга асосланган вазифалар;
- турли ёзма матнлар намуналарини таҳлил қилишга қаратилган машқлар;
- ёзиш жараёнида эътиборга олиниши керак жиҳатларни таҳлил қилиш.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар

**Инглиз тили**

1. David Bohlke, Dorothy E.Zemach (2013) Skillful 1. Reading and writing. Macmillan.
2. Louis Rogers and Jennifer Wilkin, Dorothy E.Zemach (2012) Skillful 2.Reading and writing. Macmillan.
3. Scarry, S., &Scarry, J. The Writer’s Workplace with Readings: Building College Writing Skills. Thomson Learning. Sixth Edition. 2010.

**Немис тили**

1. Maik Philipp, Lese- und Schreibunterricht. A.Franke Verlag. Tübingen, Deutschland, 2013.

**Француз тили**

1. Sylvie Poisson-Quinton, Compréhension écrite Niveau 1, CLE International, Paris 2008
2. Sylvie Poisson-Quinton, Expression écrite Niveau 1, CLE International, Paris 2006

**Испан тили**

1. Escritura. Nivel Elemental. Álvarez Martínez, Myriam. Colección:Anaya E.L.E. España 2011

**Қўшимча адабиётлар**

**Инглиз тили**

1. Driscol, L. (2004), Reading Extra*A* resource book of multi-level skills activities. CUP.
2. Fry, E. B. (2000),Skimming and scanning Pre-intermediate.Jamestown Publishers.
3. *Greenall, S. & D. Pye (2007),* Reading 1, Cambridge Skills for Fluency. *Cambridge: CUP.*
4. *Newspapers and magazines (e.g.* English Teaching professional, Modern English Teacher, Uzbekistan Today, The Economist, The New Scientist, National Geographic*etc)*

**Немис тили**

1. Rosenbrock Cornelia., Nix Daniel. Grundlagen der Lesedidaktik. 4., korrigierte und ergänzte Auflage. Schneider Verlag. Baltmannsweiler. 2011.
2. Lenhard Wolfgang. Leseverständnis und Lesekompetenz. Kohlhammer Verlag. Stuttgart. 2013.
3. Philipp Maik. Schreibkompetenz. Komponenten, Sozialisation und Förderung. A. Francke Verlag. Tübingen. 2015.
4. Kast Bernd. Fertigkeit Schreiben. Langenscheidt Verlag. 1999.
5. Westhoff Gerard. Fertigkeit Lesen. Langenscheidt Verlag. München. 1997.

**Француз тили**

1. Les écrits dans l'apprentissage: M. Péry-Woddley, Hachette
2. La production écrite : Cl. Comaire, P. Raymond, Clé International
3. Flumian C, Labascoule J. Lause C.  Le nouveau rond point 2 - methode de français
4. Абдушукурова З., М.Нишонов ва б. Manuel de Francais “Opinion originale I ”.Тошкент, 2013.

**Испан тили**

1. Marta Baralo Ottonello, Marta Genís Pedra. Vocabulario Nivel Elemental.A 1-A2. Anaya ELE. España 2013. ISBN: 9788466777568.
2. Luiz Aragonés. Ramón Palencia. Gramática de uso de Español. Nivel A 1-A 2. España 2007.
3. Concha Moreno. Carmen Hernandez. Gramática.Nivel medio B 1. Anaya ELE 2008.
4. Francisca Casto Viúdez. Nivel A 1. ISBN 9788434893511. España 2007.
5. Francisca Cárdenas Bernal. Vocabulario actico. ISBN 3125133211. España 2003.

**Интернет сайтлари**

**Инглиз тили**

1. www.developreading.com
2. www.teachingenglish.org.uk
3. www.online-literature.com
4. www.literature.org/
5. www.pearsonlongman.com/ae/

**Немис тили**

1. www.paperball.de
2. www.zeitung.de
3. www.keepschool.de/unterrichtsmaterial/Deutsch/Textfunktionen-842.html
4. www.lehrer-online.de
5. www.teachsam.de
6. www.fachdidaktik-einecke.de/4_Literaturdidaktik/textarbeit_im_literaturunterricht.htm
7. www.meindeutschbuch.de

**Француз тили**

1. http://www.educnet.education.fr/
2. www.france5.fr/20livres
3. http://www.lepointdufle.net/
4. http://enseigner.tv5monde.com/
5. http://lewebpedagogique.com/ressources-fle/
6. http://www.cafepedagogique.net/lesdossiers/Pages/2009/indis_09_Francais.aspx

7. http://www.agence-usages-tice.education.fr/

**Испан тили**

1. http://hubpages.com/profile/Judy+Cullins (en español)
2. http://ezinearticles.com/?expert=Judy_Cullins (en español)
3. http://www.youtube.com/watch?feature=player_embedded&v=21 BE98mGJME
4. http://anayaele.com
5. https://www.tripadvisor.ru/LocationPhotoDirectLinkg3175055-d2722187-i60529451-Sidro_RestaurantBeska_Vojvodina.html
6. https://www.ico.es/web/ico/folleto-informativo-lineas-ico
7. http://www.ejemplode.com/66-ensayos/2563- ejemplo_de_articulo_enciclopedico.html